# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 8 февраль, №34 (3146) Шанба


# ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТНИНГ КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ



*Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, соғлом авлодни вояга етказишга катта эътибор берилмоқда. “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва “Универсиада” спорт ўйинларидан иборат уч босқичли узлуксиз тизим яратилгани, Президентимиз Фармонига биноан Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг тузилгани фикримизнинг далилидир.*

*7 февраль куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг мажлиси бўлди.*

*Уни Ўзбекистон Республикаси Президенти, мазкур Кенгаш Раиси Ислом Каримов бошқарди.*

*Мажлисда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари қатнашди.*

Жамғарма фаолиятини ташкил этиш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида Бош вазирнинг биринчи ўринбосари К.Тўлагановнинг ахбороти тингланди.

Бугунгача барча вилоятларда жамғарманинг минтақавий филиаллари ва уларнинг ҳомийлик кенгашлари тузилди. Эндиги асосий масала намунавий лойиҳалар асосида болалар учун мўлжалланган спорт иншоотлари қуришдан иборат. Жамғарма ҳисоб рақамига маблағлар келиб туша бошлади.

Давлатимиз раҳбари ушбу масала юзасидан ўз фикрини билдирар экан, мамлакатимизда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилгани эзгу мақсадларни амалга оширишга қаратилган катта ҳаракатнинг бошланиши эканлигини алоҳида таъкидлади. Шунинг учун ҳам бу борада шошма-шошарлик билан енгил-елпи, пала-партиш иш юритиб бўлмайди.

Болаларга мўлжалланган спорт иншоотларининг намунавий лойиҳалари тайёрлангани яхши. Лекин бу мажмуаларни бунёд этишга киришишдан олдин уларни қаерда, қандай шаклда, қайси спорт турларига мўлжаллаш тўғрироқ бўлишини чуқур таҳлил қилиш зарур. Ҳозир спортнинг халқаро миқёсда тан олинган 97 тури бўлса, Ўзбекистон шароитида уларнинг қайсиларига алоҳида эътибор бериш ва ривожлантириш яхши самара беришига ойдинлик киритиб олиш керак.

Ислом Каримов мутасадди раҳбарларнинг диққатини болалар спортини ривожлантиришни катта спорт соҳасида қилинаётган ишлар билан аралаштириб юбормаслик жуда муҳимлигига, режалаштирилаётган қурилишлар, аввало, қишлоқ жойларидан, мамлакатимизнинг чекка-чекка ҳудудларидан бошланиши лозимлигига қаратди. Зеро, юртимизнинг қишлоқ ва овулларидаги болаларнинг спорт билан шуғулланиши учун шароит етарли даражада эмас. Бир пайтлар қурилган ўрта таълим муассасаларининг спорт майдончалари ҳам замон талабига жавоб бермайди.

Мавжуд аҳволни чуқур ўрганиш, бошланғич синф ўқувчиларини спортнинг қайси турлари билан шуғуллантирганимиз маъқул, деган саволга жавоб топишимиз лозим, деди давлатимиз раҳбари. Чунки бугун кўрилаётган масала шунчаки спортни ривожлантириш эмас, миллат келажаги, юртнинг эртаси билан бевосита боғлиқ. Болаларда жисмоний тарбияга меҳр, интилиш уйғотиш, уларни спортнинг сеҳрли оламига олиб кириш ҳар биримизнинг кундалик вазифамиз бўлиб қолиши керак. Мана шу жиҳатга эътибор қаратмай туриб, соғлом миллат, соғлом жамият ҳақида гапириш қийин.

Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда халқаро талабларга жавоб берадиган кўплаб коллеж ва лицейлар барпо этилди. Улар замонавий спорт мажмуига эга. Хўш, катта маблағ эвазига бунёд этилган бундай масканлар рисоладагидек ишлаяптими? Ахир улар хўжакўрсинга қурилгани йўқ-ку? Ислом Каримов қишлоқ жойларда истиқомат қиладиган болаларга ушбу мажмуалардан фойдаланиш имкониятини яратиш зарурлигини уқтирди.

Навоий вилоятини чўл зонасида жойлашган, сув танқис минтақалар сирасига киритамиз. Лекин мамлакат сув спорти заҳираси айнан ана шу вилоятда. Демак, астойдил ҳаракат қилиш ва интилиш орқали ҳар қандай маррани эгаллаш мумкин. Шу ўринда Навоий кон-металлургия комбинатининг спортни ривожлантиришга қўшаётган катта ҳиссасини айтиб ўтиш жоиз.

Ҳар қандай муаммога мантиқий нуқтаи назардан ёндашмай туриб, ечим топиш мушкул. Жумладан, ўзбек қизларини спортга жалб этишдан олдин масаланинг нозик жиҳатларини чуқур таҳлил қилиш лозим. Аввало, спортнинг ҳамма тури ҳам халқимизга, айниқса, иффатли ва иболи қизларимизга тўғри келавермайди. Қизларимизни спортнинг қайсидир тури билан шуғулланишини истасак, иқлим шароитимизга ва менталитетимизга мос спорт кийимлари яратишимиз керак.

Спортчи қизларимизни шундай кийинтирайликки, уларни кўрган бошқа болаларда ҳам бундай бежирим кийимларни кийишга, спорт билан шуғулланишга иштиёқ туғилсин. Бу хусусда “Ўзбекенгилсаноат” компанияси мутасаддилари бош қотириши, ўз таклифларини бериши лозим.

Мустақиллик йилларида вояга етган ёшларнинг халқаро мусобақаларда эришаётган ютуқлари ҳаммамизни қувонтиради. Юртимиз фарзандларининг ўтган қисқа вақт ичида турли даражадаги беллашувларда ғолиблик шоҳсупасига кўтарилганидан фахрлансак арзийди. Шунинг учун болалар спортини ривожлантиришни катта спорт билан аралаштирмаслик лозим, деган гапга бу соҳага эътибор камайиши сифатида қараш ноўриндир. Катта спорт ўз йўлида давом этаверади. Халқаро мусобақаларга болалар спортини ривожлантириш орқали чиқсак, ҳам миллат соғлом бўлади, ҳам чемпионларимиз сони янада кўпаяди.

Ватанимиз обрўсини оширадиган, халқимиз қалбида ифтихор туйғусини ўстирадиган, дунёнинг энг машҳур спортчилари билан тенглашадиган ёшларимиз ҳақида гапирмоқдамиз. Халқимиз орасида юрт шуҳрати, миллат шаънини кўкларга кўтара оладиган истеъдод эгалари бисёр. Фақат уларга етарли шароит яратиш, вақтида кашф қила билиш керак. Ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний жиҳатдан соғлом, кучли, бақувват, мард ва жасур қилиб тарбиялашда, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда спортнинг аҳамияти бениҳоя катта.

Спорт ёш авлод маънавий камолотининг ҳам гаровидир. У орқали жамоага ҳурмат, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, бир-бирининг ютуғидан қувониш орқали ўзаро меҳр-оқибат, дўстлик ва ҳамжиҳатлик сингари инсоний фазилатлар айнан болаликда, спорт воситасида осон шаклланиши мумкинлигини ҳеч ким инкор қила олмайди. Болаларга ватанпарварлик, халқпарварлик ҳақида узундан-узоқ маъруза ўқигандан кўра, бу юксак туйғуларни жисмоний тарбия ва спорт орқали уларнинг қалбига сингдириш кўпроқ наф келтиради.

Мактабларда ўтилаётган жисмоний тарбия дарсларининг савиясини ошириш ҳам долзарб масалалардан биридир. Давлатимиз раҳбари шу пайтгача жисмоний тарбия фани бўйича бирор дарслик, бирон қўлланма ёки суратли альбомлар нашр этилмаганини қайд этди. Матбуот ва ахборот агентлигига тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ана шу йўналишдаги фаолиятни кучайтириш тавсия этилди.

Мажлисда мактаб ва маҳалла алоқасини, ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, оилавий мусобақалар ташкил этиш муҳимлигига эътибор қаратилди. Ота-она ҳеч бўлмаса шанба-якшанба кунлари ўз фарзандларини олиб стадионга борса, ўзи ёқтирган спорт билан шуғулланса, шу куни ўша оилага нур ёғилгандек бўлади, деди Ислом Каримов. “Маҳалла” жамғармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари Наврўз байрамига бағишлаб спортчи оилалар мусобақаларини ташкил этса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Мажлисда жойларда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ҳокимлари, мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарлари ахборот берди.



**Озод РАЖАБОВ,**
**ЎзА мухбири.**

СУРАТЛАРДА: *мажлис пайти.*

**Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.**

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Қурбонлик ва оила қадриятлари тўғрисида ўй-фикр юритиладиган ушбу муборак онда мен Америка халқи номидан Ийд ал-Адҳо — Қурбон ҳайити муносабати билан энг эзгу тилакларни изҳор этаман. Америка халқи бу қадриятларни Ўзбекистон халқи билан бирга баҳам кўради ва унга ўтган йилги мадади учун миннатдорлик билдиради. Умид қиламизки, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик келгусида ҳам ўсишда давом этади.

Самимият ила,

**Жорж БУШ,**
**Америка Қўшма Штатлари Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу,

Муқаддас Ийд ал-Адҳонинг кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийлари ва дўст Ўзбекистон халқига шахсан ўзим ва Сурия халқи номидан самимий табрик ва эзгу тилаклар йўллаш менга мамнуният бахш этади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, халқингизга эса давомий тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Қодир Аллоҳдан барча эзгу амалларимизни ислом умматининг равнақига йўллашини сўрайман.

Эҳтиром ила,

**Башар ал-АСАД,**
**Сурия Араб Республикаси Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент,

Қурбон байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини чин юракдан қутлайман.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Туркия халқи ва ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига соғлиқ ва бахт-саодат ҳамда Ўзбекистон халқига омонлик ва фаровонлик истаб, энг яхши тилакларимни йўллайман.

**Аҳмет Неждет СЕЗЕР,**
**Туркия Республикаси Президенти.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
***ФАРМОНИ***

### Ғ.Қ.Тишаевни Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита раиси этиб тайинлаш тўғрисида

Ғофуржон Қодирович Тишаев Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита раиси этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 7 февраль.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
***ФАРМОНИ***

### М.И.Ўтагановни Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита раиси вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Маҳмуджон Иноятович Ўтаганов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита раиси вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 7 февраль.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
***ҚАРОРИ***

# «Обод маҳалла йили» дастури тўғрисида

Маҳалланинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатидаги роли ва аҳамиятини ошириш, миллий қадрият ва анъаналарни, ўзаро меҳр-оқибат туйғуларини мустаҳкамлашдаги нуфузини кўтариш, аҳолини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикасида 2003 йил "Обод маҳалла йили" деб эълон қилиниши муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. “Обод маҳалла йили” дастури тасдиқлансин.

Мазкур дастур:

маҳалланинг давлат ва жамият бошқарувидаги, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги роли ва мақомини янада мустаҳкамлашга;

маҳалла фаолиятининг амалдаги меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга, унинг ваколатларини кенгайтиришга ва фуқаролик жамияти институти сифатидаги масъулиятини оширишга;

маҳалла фаолиятининг моддий базасини мустаҳкамлашга, маҳалла ҳудудида тадбиркорликни, хизматлар кўрсатиш ва савдо соҳаларини ривожлантиришга, шулар ҳисобига янги иш ўринлари барпо этишга;

маҳалланинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришга, унинг ҳудудларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга, болалар ва спорт майдончаларини жиҳозлашга, коммунал тармоқларни ривожлантиришга;

маҳалла томонидан кам таъминланган оилаларга аниқ йўналишли моддий ёрдамни ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлашни кучайтиришга;

кекса авлодга эътибор ва ғамхўрликни кучайтиришга;

маҳалла аҳолисига тиббий ва санаторий-курорт хизмати кўрсатилишини яхшилашга, болалар спортини ривожлантиришга;

маҳалланинг аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи, ижтимоий адолат, ўзаро меҳр-оқибат ва маънавий-ахлоқий тарбия билан боғлиқ миллий қадрият ва урф-одатларимизни кенг тарғиб қилиш, уларни асрабавайлаш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштиришга қаратилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантириш жамғармаларини ташкил этиш тўғрисида таклиф киритсинлар, фуқаролик ҳолати актларини қайд этганлик учун давлат божининг бир қисмини ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказганлик учун йиғим ва бошқа тушумларни мазкур жамғармаларни маблағ билан таъминлаш манбалари этиб белгиласинлар.

3. “Обод маҳалла йили” дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича республика комиссияси, Қорақалпоғистон республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар ушбу дастурда кўзда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминловчи аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари, вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар, корпорациялар, компаниялар ва агентликлар, хўжалик бирлашмалари, жамоат ташкилотлари, жамғармалар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар, Тошкент шаҳар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари:

йилнинг ҳар чорагида ўз мажлисларида манфаатдор идоралар ва тузилмаларни жалб этган ҳолда, “Обод маҳалла йили” дастурининг қандай бажарилаётганини муҳокама қилиб, тегишли чора-тадбирлар кўриб борсин;

йилнинг ҳар чораги якунлари бўйича дастур топшириқларининг ҳисобот даврида бажарилиши натижалари тўғрисида чоракдан кейинги ойнинг 7-санасигача республика комиссиясига таҳлилий ахборотни тақдим этсин.

5. “Маҳалла” хайрия жамғармаси республика Хотин-қизлар қўмитаси, “Маънавият ва маърифат” маркази, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Дин ишлари бўйича қўмита, Маданият ишлари вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда тўй-маърака ва бошқа маросимларни анъаналаримизга хос тежамкорлик билан ўтказишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун республика комиссиясига тақдим этсин.

6. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, “Ўзтелерадио” компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, республика оммавий ахборот воситаларига “Обод маҳалла йили” дастурида назарда тутилган чора-тадбирларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг тушунтириш, уларни амалга ошириш борасида қилинаётган ишларни холис ёритиш тавсия этилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов зиммасига юклатилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 7 февраль.

## Вазирлар Маҳкамасининг «Обод маҳалла йили» дастури тўғрисида»ги қарорига

# ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишда Юртбошимиз томонидан 2003 йил мамлакатимизда «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинди.

Президент Фармойиши билан «Обод маҳалла йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича республика комиссияси тузилди. Мазкур комиссия давлат, нодавлат ҳамда жамоат ташкилотлари, шунингдек, маҳаллалар вакилларини кенг жалб этган ҳолда маҳаллаларимиздаги мавжуд муаммолар, қилиниши лозим бўлган ишларни атрофлича ўрганиб, йил давомида амалга оширилиши зарур бўлган ташкилий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий тадбирларнинг комплекс дастурини ишлаб чиқди.

Мазкур Дастур етти йўналишдаги ҳаётий муҳим масалаларни ўз ичига қамраган. Улар қаторига, жумладан:

маҳалла фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

маҳалланинг моддий базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;

маҳаллаларда тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва савдони, кичик бизнес соҳасини ривожлантириш орқали янги иш ўринларини барпо этиш;

маҳалланинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, болалар ва спорт майдонларини жиҳозлаш, йўллар, кўчалар ва коммунал тармоқларни яроқли ҳолатда сақланишини таъминлаш;

маҳалла томонидан кам таъминланган оилаларга аниқ йўналишли моддий ёрдам кўрсатиш ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш;

кекса авлод вакилларига эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш;

маҳаллалар аҳолисига тиббий ва санаторий-курорт хизмати кўрсатишни яхшилаш, болалар спортини ривожлантириш;

маънавий-ахлоқий тарбия масалаларида маҳалла фаоллигини ошириш вазифалари киради.

«Обод маҳалла йили» дастури доирасида:

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантириш махсус жамғармаларини ташкил этиш;

кам таъминланган ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг рўзғор хўжалигини йўлга қўйиб олишига кўмаклашиш мақсадида тижорат банклари ва турли жамғармаларнинг кредитларини кенг жалб этиш;

кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, жумладан, 950 та маиший хизмат шохобчасини ташкил этиш орқали 160 минг янги иш ўрни яратиш;

республикадаги 433 маҳаллада 2,6 минг километрлик газ тармоқларини барпо этиш, 436 маҳаллада эса 1720 километрлик сув қувурлари ётқизиш орқали аҳолини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан доимий таъминлаш;

12500 минг квадрат метр уй-жой фондини мукаммал таъмирлаш ҳисобига маҳалла аҳолисининг яшаш шароитини яхшилаш, 500 маҳалладаги 1000 километрдан ортиқ йўлни таъмирлаш, асфальтлаш ва ободонлаштириш, замонавий маҳалла гузарларини барпо этиш;

ҳар йили 20 минг нафаргача фахрийларимизни санаторий ва шифохоналарда соғлиқларини тиклаш;

муҳтож кексалар ва ногиронларни протез-ортопедия буюмлари, аравачалар, эшитиш ва кўриш мосламалари билан имтиёзли таъминлаш;

узоқ қишлоқ ва овулларда яшайдиган аҳолини тиббий-ижтимоий потранаж хизмати билан қамраб олишни кенгайтириш;

маҳаллалардаги 16 ёшгача бўлган болаларни барча давлат спорт иншоотларига бепул қатнашига имконият яратиш сингари кўплаб муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган.

Юртбошимиз томонидан кўп маротаба эътибор қаратилаётган муҳим маънавий-маърифий масалалар: анъанавий удумлар, тўй ва маъракалар ҳамда бошқа маросимларни тежамкорлик билан ўтказиш бўйича маҳалла фаоллари, имом-хатиблар, маданият ходимлари, хотин-қизлар қўмиталарига тадбирлар ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган.

«Обод маҳалла йили» дастурини тўла амалга ошириш учун 375,9 миллиард сўм маблағ, шу жумладан, 169,5 миллиард сўм давлат бюджети ҳамда корхоналар, бюджетдан ташқари жамғармалар, нодавлат ташкилотлари, халқаро ташкилотлар грантлари ва кредит маблағлари жалб этилиши мўлжалланган.

Дастурнинг ҳаётга тўла татбиқ этилиши ва юқоридаги олижаноб мақсадларга эришиш эса мутасадди ташкилотлар, идоралар, маҳалла фаоллари ҳамда кенг аҳолининг яқин ҳамкорликда фаолият юритишига бевосита боғлиқдир.

9 февраль – Алишер Навоий таваллуд топган кун

# «НАВОСИЗ УЛУСНИНГ НАВОБАХШИ БЎЛ»

## Икки учрашув

Бундан анча йил аввал хизмат юмушлари билан Самарқанд вилоятида эканимда бир туман марказига бормоққа тўғри келди. Шаҳардан тикка йўл ўша томонга кетади ва Катта Ўзбекистон йўлини кесиб ўтади. Шу йўлдан кетаётганимизда чорраҳада Навоийга ўрнатилган ҳайкални кўрдим. Ажабландим. Чунки у вақтларда бирор ҳайкал ўрнатмоқ учун Иттифоқ идораларидан рухсат ёки қарор керак бўлар, унинг харажатлари сметаси турли-туман босқичларда кўриб чиқилар ва тасдиқланса, шундан кейингина бу иш амалга ошар эди. Бу ерда, мана, шоирнинг улуғвор ҳайкали қад кўтариб турибди.

Туман марказига етиб келиб хизматга оид ишлар билан машғул бўлдик. Тушлик вақти ҳам келди. Туман бошлиқларидан бири дедики, шу ерда баҳаво бир жой бор, «Дорстрой» (туман йўл қурилиши бўлими)га қарашли. Ўша ерга бориб овқатланамиз. Уч-тўрт киши бўлиб ўша ёққа йўл олдик.

Сой устига қурилган каттагина шийпон. Тахтадан ясалган. Тўрт томони ойнаванд, шунинг учун ёруғ ва баҳаво. Томи устига қирғоқдаги дарахтлар соя солиб туради. Шийпон деворлари, деразалар ўртасидаги жойларда зич ёпиштирилган плакатлар. Деворларга яқин ўрнатилган витриналарда китоб ва сувратлар. Бироз тамадди қилгандан кейин мен ҳафсала билан деворлардаги плакатлар, витриналардаги китоблар билан таниша бошладим. Биринчи навбатда кўзга ташланган нарса Навоийнинг девор марказидаги портрети бўлди. Унинг атрофида эса шоирга бағишланган плакатлар. Витриналарда Навоий асарлари, Навоий ҳақида китоблар, миниатюра расмлари териб қўйилган. Бу шийпон ўзининг жиҳозлари билан «Дорстрой»га қарашли истироҳатгоҳ эмас, балки Навоийга бағишланган адабиёт кабинетига ўхшар эди.

Мен бу жойнинг эгаси билан суҳбат қуролмаганимга жуда афсусланаман. Биз кириб келаётганимизда шийпондан бир кишининг секингина чиқиб кетганини кўрган эдим. Навоийга бу қадар мухлис бўлган одам маҳаллий ва Тошкентдан келган амалдорлар билан суҳбат қилмоқдан ийманиб, ўзини бир четга тортган бўлса керак, деган андиша уйғонди менда. Лекин унинг чин юракдан Навоийга ихлосини сезиб қаттиқ таъсирландим. Шундай ихлосмандлар бор экан, Навоий ижоди инсонлар қалбига йўл топаверади.

Чорраҳадаги Навоий ҳайкали ҳам «Дорстрой»га қарашли эмасмикин?

Мен Тошкентга қайтиб келгандан сўнг бирмунча вақт ўтгач, бу кўрганларим тўғрисида қадрдон дўстим Абдуҳамид Қаюмовга (охирати обод бўлсин) сўзлаб бердим. Бу киши у вақтда Ўзбекистон автомобиль йўллар қурилиши вазири эди. У ҳам Навоий асарларини севиб ўқир, Навоийхонлик суҳбатларини жону дилдан ёқтирарди.

Мен унга дедим:

— Сизнинг соҳангизда Навоийга шунчалар ихлос қўйган киши борлигидан ғоят мамнун бўлдим. Ҳайкални ҳам ўша туман «Дорстрой»и ўрнатганми?

— У одам бадиий диди бой, завқли ва ўқимишли бир киши эди, — деди ҳамсуҳбатим. — Навоий ҳайкалини эса йўлларни ободонлаштиришга ажратилган маблағ ҳисобидан бино қилганмиз. Ташаббус ўша кишидан чиққан.

— Ўша одам ҳозир барҳаётми?

— Йўқ. Яқинда дунёдан ўтди. Муносиб иззат-ҳурмат билан жойига қўйганмиз.

Бу ишлар XX асрнинг олтмишинчи йилларида бўлиб ўтган эди.

Яна бир унутилмас учрашув Тошкентда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қўлёзмалар институтида содир бўлган. XX аср, тўқсонинчи йиллар ўртаси. Чет эллик бир мўйсафид ўзбек киши ўз қўлидаги Навоий асарларининг икки қўлёзмасини институтга топширди (бепул). Улар XVI-XVII асрларда кўчирилган нодир нусхалар. Институт олимлари бу қимматли совғани мамнуният ва миннатдорлик билан қабул қилиб олдилар.

— Бу китоблар менга отамдан мерос қолган. Отам ўз дўстлари билан бу китобларни берилиб ўқир, байтлар мазмуни бўйича фикр алмашишар, ҳар бир сўз, ҳар бир мисрани талқин ва шарҳ қилишар эди. Отамдан сўнг бу китобларни мен эъзозлаб асрадим, ўқиб ўргандим. Энди мамнунманки, уларни қадрига етадиган мутахассисларнинг қўлига топширмоқдаман. Ўзбекистонда шунчалар Навоийшунос олимлар етишиб чиққанини кўрмоқдан бахтиёрман.

Мўйсафид меҳмон бу сўзларни айтаётганида унинг кўзларида ёш қалқиди.

## Маданият институтида

Ҳаёт оқими ҳеч қачон бир текис бўлмайди. Ҳар бир иш турли-туман кўринишларга эга. Бу маълум ҳақиқат.

Мен Тошкент давлат маданият институтида ишлаган вақтимда (XX аср етмишинчи йиллар) бир вилоятнинг уч кутубхонасида — вилоят, шаҳар, туман кутубхоналарида бир йил давомида Навоий асарларини неча китобхон сўраб олиб ўқиганини таҳлил этган эдик. Натижа биз учун жуда кутилмаган бўлиб чиқди. Вилоят кутубхонасида уч мартаба сўров бўлган. Шаҳар кутубхонасида эса икки мартаба. Шаҳар кутубхонасининг қоровули Навоий асарларини ўқир экан. Ўша киши сўраб олган. Туман кутубхонасида эса бир мартаба сўров бўлган.

Кутубхонашунос мутахассислар Навоий асарлари кўпчилик одамларнинг шахсий кутубхоналарида борлиги, мактаб ва олий мактаб талабалари эса ўқиш китоблари ва дарсликлар орқали Навоийни ўқишлари билан бу ҳолни изоҳлаган бўлдилар. Эҳтимол, шундайдир. Лекин кутубхоналардаги бундай аҳвол бизни қониқтирмаслиги турган гап.

Маданият институтига ўша йиллари биринчи курсга ўрта мактабларни битирган ёшлар билан бирга мусиқа ўқув юртлари, маданий-оқартув техникумларини битирган ёшлар ҳам қабул қилинар эди.

Агарда ўрта мактабда ўқиганлар Навоий асарларидан бироз хабардор бўлсалар, ўрта махсус ўқув юртларини битирганлар мутлақо бехабар эдилар. Рус гуруҳи талабалари эса ўрта мактабда Навоийни умуман ўтмаганлар.

Ўшанда биз институтда Навоий ижоди бўйича махсус дарслар ўқита бошладик. Бизнингча, Навоийни билмаган киши ўзини Ўзбекистон маданият ходими деб ҳисоблаши мумкин эмас. Дарслар ҳам ўзбек тилида, ҳам рус тилида ўтилар эди. Ёшларнинг бу дарсга қизиқувлари кучли. Синов ўрнига рефератлар ёзиладиган бўлди. Навоий ижоди бўйича 10-15 мавзу реферат учун тавсия этилди.

Рефератлар ҳам кутилмаган натижа берди. Рус гуруҳи талабаларининг рус тилида ёзган рефератлари мазмун ва шакл жиҳатидан яхшироқ чиқди. Бунинг сабаби шунда эдики, рус тилидаги рефератлар Навоий асарларининг рус тилига қилинган бадиий таржималари асосида ёзилган. Рус тилида ёзган талабаларга бу асарларни ўзлаштириш қийин бўлмаган. Ўзбек тилида реферат ёзганлар Навоийнинг асарлари асл нусхасидан фойдаланганлар. Уларни ўқиш, тушуниш ва ўзлаштириш эса осон эмас эди. Бунинг устига, луғат ҳам йўқ.

## Навоийни тушунмоқ осонми?

Навоий асарларини тўла ва ҳар томонлама тушуниб, мағзини чақиб, уқмоқ мушкул иш. Бу маълум билим йиғиндисини талаб қилади. Яна чидам ва қунт билан ишламоқ зарур.

Навоий ўзи буни яхши билар эди. Шунинг учун у «Сабъаи сайёр» — «Етти саёҳатчи» достонини тугаллар экан, ёзади:

***Мен демасмен не айладим марқум***
***Ким рақамға боқар қилур маълум.***

Маъноси: Мен нимаики ёзган бўлсам, уни ўқиган одам дарров маъносини ечиб олади, демайман.

Шундан кейин Навоий ўз ўқувчисини кўзда тутган ҳолда, бундай фикр қилади:

***Ҳар кишиким, ўқурда бу нома***
***Табъига гарм бўлса ҳангома***
***Неки, мен қилмишам назар этса,***
***Юзидин гар бирисиға етса***
***Табъи гар софу зеҳни пок ўлғай***
***Шак эмасдурки, завқнок ўлғай.***
***Анда шоядки, айлабон таҳсин***
***Анга қилғай дуони доғи қарин.***
***Ёраб, андоқ кишига раҳмат қил,***
***Охир оромгоҳи жаннат қил.***

Маъноси: Бу ёзилганларни ўқиган ҳар бир кишининг табиатида қизиқиш пайдо бўлса, менинг қилган ишимга диққат-эътибор этса, **уларнинг юздан бирини тушуниб етса,** ўша кишининг табиати софланиб, зеҳни пок бўлсин. Зора, ундай одам буларга таҳсин айтиб дуо қилар. Эй, худо, шундай одамга раҳмат кўрсатгин, жойини жаннатда қилгин.

Шундан сўнг Навоий бошқа бир тоифа китобхонлар ҳақида бундай деб ёзади:

***Топмоғон табъи поку хотири соф,***
***Ки анинг даъби бўлмағай инсоф.***
***Қатрача дурдин олмаса баҳра***
***Деса феруза, кўрса ҳар муҳра,***
***Анга ойини даъбу инсоф эт,***
***Кўнглини поку хотирин соф эт.***

Маъноси: Табиати пок, хотири соф бўлмаган; инсоф юзасидан иш тута билмайдиган, гавҳардан бир қатрача ҳам завқлана олмайдиган, ферузани кўриб уни эшакмунчоқ деб ўйлайдиганлар ҳам бўлади. Уларни ҳам инсофга келтир, кўнглини тоза, хотирини соф этгил.

Шундан сўнг Навоий учинчи тоифа китобхон тўғрисида ёзади. Улар ўқиган нарсасини тушунмайдилар. Аммо уни мақтай берадилар. Уларнинг сўзлари хоҳ яхши бўлсин, хоҳ беҳуда, барибир бундайларни кечирмоқ керак:

***Улки, таҳсин этар, вале билмай***
***Ўқуғон нукта даркини қилмай.***
***Сўзи гар яхши, гар газоф дурур***
***Ҳар не ким, ул деса таоф дурур.***

Шулардан маълум бўладики, XV асрда ҳам, яъни Навоий барҳаёт эканидаёқ унинг ёзган асарларини тўла ва ҳар томонлама ўрганиб, ўзлаштирмоқ ҳаммага ҳам муяссар бўлавермаган. Бировлар бу асарларда ёзилганларнинг юздан бирини гина идрок эта олганлар. Навоий уларга таҳсин ўқийди. Бировлар умуман тушунмай, фарқига етмай қолаверганлар. Навоий бундайларга инсоф, пок ва соф хотира тилайди. Яна бошқа бировлар ҳеч нарсани тушунмасалар-да, Навоийни мақтайверадилар. Шоир бу тоифани кечирмоқ мумкин, деб ҳисоблайди. Албатта, Навоийнинг бу айтганларини шоирона тасвир сифатида қабул қилмоқ керак.

XV асрда Навоий ўзбек тилини олий адабий мақомга кўтарган. Бундай юксак мақсадга хизмат қилган ижодкор она тилининг бой имкониятларини ишга солган, она тилида ўқийдиган китобхонга ўз фикр ва ғояларини тушунарли йўсинда етказмоққа ҳаракат қилган.

Мана, ўша «Сабъаи сайёр» достонидан бир лавҳа. Дилором узоқ йиллик айриликдан сўнг ниҳоят ўз севиклиси Баҳром ҳузурига қайтмоқда. Орада фақат бир манзил қолган. Эрта тонг. Дилором булоқ бўйида ўлтириб, ўз чолғу асбобини чалганича юрагидаги дардларини куйламоқда:

***Ки, бу йўл не бало узоғ ўлди,***
***Тобидин доғим узра доғ ўлди.***
***Етти оғзимға ранждин жоним***
***Қолмади ғам емакка имконим.***
***Умрдин ноумид бўлдим ло!***
***Меҳнати ҳажр ичинда ўлдим ло!***
***Ул кун ўлғайми, эй спеҳри даний,***
***Ки солиб шоҳ хизматиға мани***
***Қулоғиға сўзумни еткурсанг,***
***Аёғиға кўзумни еткурсанг.***
***Васлдин ҳосил ўлса дармоним,***
***Бўлмағай, ўлсам, ўзга армоним!***

Кўнгил берган ёри билан учрашувга муштоқ маъшуқанинг қалбидан таралаётган бу нолаю фиғонларни шоир эҳтиросга тўла, ҳар бир дардли кўнгилга таниш гўзал ифодалар орқали баён этмоқда...

Навоий асарлари яратилганига беш асрдан ортиқ вақт ўтди. Авлодлар янгиланди. Ҳаёт оқими анча ўзгарди. Лекин Навоий ижодий меросига қизиқиш, уни ўрганмоққа интилиш ошса ошмоқдаки, ҳеч камайгани йўқ. XXI асрда бу соҳада қилиниши лозим бўлган энг зарурий ишлар ҳам талайгина.

## Луғатлар

Ўзбекистонда Навоий асарлари учун луғатлар тузиш иши ўзининг тарихи ва анъаналарига эга. Охирги луғат филология фанлари доктори Ботирбек Ҳасанов (марҳум) қаламига мансуб. У кичик ҳажмда бўлиб, кундалик истифодага мўлжалланган эди. 1993 йили «Фан» нашриётида чоп этилган. Ундан аввал — 1983-1985 йилларда босмадан чиққан «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати» (Эргаш Фозилов таҳрири остида) тўрт жилддан иборат бўлган. Бу луғат аллақачон библиографик жиҳатдан нодир асарга айланиб қолган.

1972 йили Ғафур Ғулом номли адабиёт ва санъат нашриёти чиқарган «Навоий асарлари луғати» (тузувчилар Порса Шамсиев, Собиржон Иброҳимов)ни ҳам бугун топмоқ амримаҳол.

Ҳозирда ЎзРФА Тил ва адабиёт институти ва «Фан» нашриёти Навоий асарларининг 20 жилддан иборат мукаммал асарлар тўплами нашрини тугалламоқда. Шунинг учун дарҳол Навоий асарлари учун луғат нашр этмоқ масаласи кўндаланг турибди. Яхши бўлар эди, агар «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати» (тўрт жилдлик) тўлдирилган ва бойитилган ҳолда қайта нашр этилса. Бу ишнинг ижроси обуна асосида ташкил этилса янада мақбул бўлар. Ўзбекистондаги ҳар бир кутубхонада, айниқса, ўқув юртлари кутубхоналарида шоир асарларининг нашрлари ва улар учун тузилган луғат бўлмоғи шарт.

## Таржималар

Навоий асарларини рус тилига таржима қилиш соҳасида етарли тажрибамиз бор. 10 жилддан иборат рус тилидаги нашри, рус тилидаги Жаҳон адабиёти кутубхонасидаги нашри, достонларининг «Библиотека поэта» («Большая серия»)даги нашри ва бошқа катта-кичик нашрлар бунинг мисолидир.

Навоий асарларининг бошқа тилларга қилинган таржималари кўпинча рус тили орқали амалга оширилган. Масалан, немис шоири Альфред Курелла «Фарҳод ва Ширин» достонини немис тилига таржима қилган. Бу ишни амалга оширмоқда унга академик шоир Ғафур Ғулом катта ёрдам берган. У немис шоирига «Фарҳод ва Ширин»нинг ўзбекча асл нусхаси ва рус тилидаги бадиий таржималаридан истифода этмоқ йўлларини кўрсатиб берган.

Навоий асарларининг сўзма-сўз рус тилига таржималари уларнинг бадиий таржималарини яратишда қўл келган эди. Ҳозир бу тажрибани давом эттирмоққа қодир мутахассисларимиз етарли. Улардан кенг фойдаланмоқ керак. Шу билан бир қаторда Навоий асарларини рус тилига бадиий таржима қилувчиларни ҳам етиштириш мақсадга мувофиқ. Бундай ижодий кучлар ҳам бор. Фақат уларнинг бошини қовуштириш ва ишларни кенг кўламда уюштирмоқ даркор.

Бир маҳал мен Болгарияда бўлганимда у ердаги адабиётчи дўстларимдан бирига Навоийнинг «Садди Искандарий» достонининг рус тилидаги бадиий таржимасини юбормоққа ваъда қилдим. Келишувимизга кўра, у достон таржимасини олгандан сўнг, айрим қисмларини болгарча таржима қилиб Софиядаги журналлардан бирида эълон қилмоғи керак эди.

Тошкентга қайтиб келгач, ваъдага биноан ўша китобни Софияга жўнатдим. Орадан бирмунча вақт ўтди. Болгариялик танишим Тошкентга халқаро кинофестивалга келадиган бўлиб қолди. У билан яна учрашдик. Суҳбат асносида юборган китобим тақдири билан ҳам қизиқдим, албатта.

— Китобни юборганингиздан хабарим бор, — деди у. — Бунинг учун раҳмат. Лекин китоб ҳали қўлимга текканича йўқ.

— Нега?

— Китобни Софияга келтирган киши мени топмаган. Бир хизматдошимга топширган ва қайтиб кетган. У менга телефон орқали китобни олганини айтди. Лекин ҳозир китобни менга бермасмиш. Ўзи ўқиётган экан. Ўқиб бўлгач, олиб келиб беракан.

Биз кулдик. Лекин ўша «хизматдош»нинг жавоби эсимда қолди. Ана шундай китобхонларга Навоий асарларини етказмоқ даркор.

Навоий шеърларини чет тилларга таржима қилганда уларнинг мазмунини баён қилмоқ билан чекланмоқ ҳам мумкин. Ўшанда бу шеърлардаги бой мазмун хорижий китобхонга тўппа-тўғри етиб боради. Яна бу соҳада материал ва тажриба йиғилади. Сўнгроқ эса бадиий таржимага киришмоқ имконияти ортгач, уни амалга оширса бўлади. Хуллас, Навоий меросини оммага етказишда қайси усул мақбул бўлса, шундан фойдаланавермоқ жоиздир.

## Адабиёт ўқитувчилари

Ёш авлодга Навоий тўғрисидаги билимларни етказувда республикамиздаги кўп сонли адабиёт ўқитувчиларининг шарафли хизматларини алоҳида ҳурмат билан қайд этмоқ зарур. Ҳар бир шаҳар ва қишлоқда, ҳар бир мактабда билимли, тажрибали, ўз ҳунарига меҳр ва ихлос билан ёндашувчи устозлар кўплаб топилади. Улар юз минглаб ёш авлодга Навоийдан таълим берадилар, шоирнинг мафтункор шеърларини ёшларга тушунтирадилар; Навоий асарлари қаҳрамонларини уларга таништирадилар, бу қаҳрамонларнинг ажиб сифат ва фазилатларидан ибрат олмоқни ўргатадилар.

Навоий ижоди билан шуғулланувчи илмий мутахассислар адабиёт ўқитувчиларининг ёрдамчилари бўлмоғи лозим. Улар улуғ шоир ижодий меросига оид ҳар бир янгиликни тезроқ адабиёт муаллимларига етказмоқлари кераккки, ўз навбатида улар ҳам бу ҳақда ўқувчиларни хабардор эта борсинлар.

Аммо илм аҳли билан маориф ходимлари ўртасидаги ҳамкорликни кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Баъзан илмий соҳада ишловчи мутахассисларда илмий билимларни содда, тушунарли ва қизиқарли равишда тингловчиларга етказмоқ малакаси камроқ экани сезилиб қолади.

Бир маҳал адабиёт ўқитувчилари учун уюштирилган Навоийхонликда кутилмаган ҳодиса юз бергани эсимда. Илмий ходим Навоий асарлари қўлёзмаларидан бирининг ўзига хос хусусиятлари, бошқа нусхаларидан фарқи ва унинг аҳамияти тўғрисида сўзламоқда. Тингловчилар зални тўлғазиб ўлтирибдилар. Ҳаммалари муаллим ва муаллималар. Маълумки, бу одамларнинг кўплари методикада моҳир, материални болаларга лўнда қилиб тушунтиришда бой тажрибага эга. Аммо нотиқда худди шу сифатлар етарли эмас. Натижада унинг паст овоз билан бир хил оҳангда мураккаб жумлаларни қоғоздан узилмай ўқиётгани тингловчиларни зериктириб қўйди, унга қулоқ солмай қўйдилар, залда бетоқатлик бошланди. Гарчи нотиқ илмий соҳадаги янгилик тўғрисида гапираётган бўлса-да, бундай шароитда сўзини тезроқ тугатмоққа мажбур бўлди. Илмий фикр тўлиғича тингловчиларга етиб бормади.

Демак, ўқитувчиларга илмий ёрдам кўрсатмоққа бел боғлаган киши бу соҳа ходимларининг савияси, қизиқиши, малакасини ҳисобга олган ҳолда ҳамкорлик қилмоғи керак. Уларнинг диққатини жалб қила билмоғи, етарли маҳорат касб этгандан кейингина мулоқотга киришмоғи мумкин.

Маълумки, илм баҳссиз ривож топмайди. Илмий ходимлар ўртасида турли масалалар бўйича тортишувлар, зиддиятли фикрлар изҳори илмий фаолиятдаги оддий ҳол. Аммо кенг оммавий тарғиботга барча ёки кўпчилик олимлар бир фикрга келган илмий ҳақиқатгина киритилмоғи керак. Турли илмий ходимлар ўртасидаги хилма-хил оғзаки, ҳали исботланмаган фикрларни ёйиб, мактаб-маориф соҳаси ходимларини, айниқса, ўқувчиларни чалғитиш мақсадга мувофиқ эмас.

Бир илмий йиғин вақтида бир ўқитувчи мендан сўраб қолдики, Фарҳод, Ширин, Қайс, Лайли, Баҳром ва Дилором ўрталаридаги севги мажозий севгими ёки ишқи ҳақиқийми, уни қандай талқин қилмоқ керак? Мен дедим: биринчидан, бу иккаласини бир-бирига қарама-қарши қўймоқ тўғри эмас. Навоий ёзади:

***Ҳақиқий ишқ эрур хуршиди ховар,***
***Мажозий ишқдур чун субҳи анвар.***

Маъноси: Ишқи ҳақиқий шарқдан чиқиб келаётган қуёшдек бўлса, мажозий ишқ тонг чоғи ундан ёйилаётган нурлар кабидир. Фарҳод, Ширин, Қайс, Лайли, Баҳром, Дилором — барчалари тирик инсонлар, улар бир-бирига кўнгил берган ошиқ ва маъшуқалар. Бас, шундай экан, уларнинг муҳаббати чин инсоний, дунёвий, яъни мажозий муҳаббатдир.

Савол берган ўқитувчи енгил тортиб, бундай жавобдан қониққанини билдирди. Чунки унинг ўзи ҳам шундай фикр қилар экан.

Биз ўзбек Навоийшунослигидаги изчилликни сақлашимиз керак. Ойбек, Ғафур Ғулом, Садриддин Айний, Мухтор Ауэзов, Абдураҳмон Саъдий, Воҳид Зоҳидов, Олим Шарофиддинов, Иззат Султон, Порсо Шамсиев, Ҳоди Зариф, Е.Бертельс, А.Боровков, А.Кононов, Мақсуд Шайхзода, Абдуғани Мирзаев, Ҳамид Орасли ва бошқа муътабар устозларнинг хизматларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб, ўзлаштириб, уларни янги шароитда давом эттирмоғимиз лозим.

Жамиятимизда Навоий ижодини ўрганмоққа бўлган қизиқишнинг йилдан-йилга ошиб бораётгани, одамларимизнинг адабиёт ва санъатга мутлақ муҳаббати халқимиз миллий характерининг узвий бўлаги. Бу ҳол филологик билимларни юқори ўринга қўяди. Тил ва адабиёт (филология) ҳар бир саводли киши учун зарур билим. Унинг учун ҳамма филология факультетида ўқимоғи шарт эмас. Аммо бу соҳага доир тушунча ва оддий маълумотдан хабардор бўлмоғи шарт.

Масалан:

***Навосиз улуснинг навобахши бўл,*** —

деганда Навоийнинг йўқсил, бечора, бебаҳра кишиларга ғамхўрлик қилгин, уларнинг ҳожатини чиқаргин, уларга баҳра етказгил, деган маънони баён этаётганини тушуна билмоқ керак.

***Нафъинг агар халққа бешак дурур,***
***Билки, бу нафъ***
***ўзинга кўпрак дурур,*** —

деганида эса кишиларга, халққа кўпроқ фойда келтирган одам ўзи кўпроқ фойда кўради, деб ўгит бераётганини англай олмоқ зарур. Чунки элу юртга кўпроқ нафи теккан одам халқнинг миннатдорлигига эришади. Инсон учун бундан кўра каттароқ фойда бўлмоғи мумкинми!

Шунинг учун биз филологияга оид билимларни кенг тарғиб этиш йўлидан изчил бормоғимиз, шу билан халқимизнинг бадиий дидини борган сари ўткирлаштирмоққа эришмоғимиз даркор.

Яна филология бўйича кадрлар тайёрлаш масаласини ҳам ўйлаб кўрмоққа тўғри келар.

Олий ўқув юртларининг филология факультетларига тест синовлари орқалигина қабул қилиш ўзини оқламоқдами? Адабиёт илми бўйича мутахассис бўлмоқни истаган ёш одам биринчи навбатда бадиий дид эгаси бўлмоғи лозим. У шеър ва шеъриятни қалбан ҳис этмоғи, Навоий, Фузулий, Пушкин, Абай, Маҳтумқули, Абдулла Тўқай, Бердақ шеърларини ўқиганда уларнинг таъсири остида юрагига титратма тушмоғи керак. Тест саволи ўшандай ҳис ва туйғуларни акс эттира олмайдику. Тест бўйича 10 йиллик тажриба йиғилди. Энди аниқ ва ижтимоий фанларнинг ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда, бу борада ҳам мулоҳаза қилиш пайти келгандир, эҳтимол.

## Ифтихор

Бултур 9 февраль — Навоийнинг туғилган куни Тошкентдаги Навоий номли Адабиёт музейи ёнидаги шоир ҳайкали атрофида Навоийхонлик бўлди. Бир неча шоир ва адиблар чиқиб, шоир ижоди тўғрисида яхши гаплар айтдилар. Ҳамма йиғилган кишилар қалбида буюк шоирнинг нурли хотирасига эҳтиром ҳукмрон. Шунда таклифга биноан бир қизча — 5-синф ўқувчиси дадил ўртага чиқди. У ўзининг қўнғироқдек жарангдор овози билан Навоийнинг ғазалини ёддан ўқий кетди:

***Кўзунг не бало қаро бўлубтур,***
***Ким жонға қаро бало бўлубтур.***
***Мажмуъи давони дард қилди,***
***Дардингки, манга даво бўлубтур.***
***Ишқ ичра онинг фидоси юз жон,***
***Ҳар жонки, санга фидо бўлубтур.***
***Бегона бўлубтур ошинодин***
***Бегонага ошино бўлубтур.***
***То қилди юзунг ҳавоси жоним,***
***Юз сори анга ҳаво бўлубтур.***
***Боқий топар улки, бўлди фоний***
***Раҳровға фано бақо бўлубтур.***
***То тузди Навоий ояти ишқ***
***Ишқ аҳли аро наво бўлубтур.***

Қизчанинг сўзларни дона-дона қилиб айтиши, мисраларни ифодали оҳангда бурролик билан ўқиши барчани мафтун этди. Шеър тугаганда ҳар ёнда қарсаклар янгради.

Гарчи бу ўқувчи қиз ғазалдаги барча фикр ва туйғуларни тўла идрок этишдан узоқроқ бўлса-да, унинг Навоийга муҳаббати, шоир шеъридан топган завқ-шавқи аён кўриниб турарди.

Тошкент метросида Навоий номли бекат бор. У Навоий номли давлат Адабиёт музейининг шундай ёнгинасида. Бир куни мен ўша бекатда поездни кутмоқда эдим.

Деворларга Навоий асарларидан сувратлар солинган. Ҳар қадам Навоий руҳи билан нафас олади. Бир аёл қўлида болачасини кўтарганча турибди. Болакай ҳали жуда ёш. Аммо унинг тили чиққан. У ўрганган сўзларини такрорламоққа моҳир. Онасининг бўйнини қучганича сувратларга боқар ва майин, ёқимли овози билан дер эди:

— Алишер Навоий, Алишер Навоий...

Дилим қувнаб кетди.

Балли, болам. Тилинг чиқиши биланоқ энг яхши сўзларни ўрганибсен. Изчил шу йўлдан боргин. Навосиз улусга наво бахш этиш таълимини ўрган. Байрамда шеър ўқиган опачангнинг қўлидан маҳкам ушла. Биргалашиб Навоийни ўқи, ўрган. Буюк устоздан эзгулик ва севги, халқ ва инсон бахти учун кураш дарсини ол. Ватанимизнинг буюк келажагини қурмоқда Навоий руҳи ҳамиша авлодингга мададкор бўлсин!

**Азиз ҚАЮМОВ,**
**академик.**

## НАВОИЙНИ ЎҚИШ

***Ҳар бир калла,***
***Ҳар бир бош***
***Жаҳолатдан қўрқиши керак.***
***Ҳар бир бола,***
***Ҳар бир ёш***
***Навоийни ўқиши керак.***

***Ҳар бир ота,***
***Ҳар бир мўйсафид***
***Умр ҳикматларин кўрсатиб,***
***Нафс арқонларин қирқиши керак,***
***Фарзандлари, набирасига***
***Навоийни ўқиши керак.***

***Бир болага — бутун мамлакат,***
***Баъзан эса қирқ киши керак.***
***Бешиклардан тушиб болалар***
***Навоийни ўқиши керак.***

***Сиз дейсиз: йўл топиши керак,***
***Уй қуриб, пул топиши керак,***
***Йўқ-йўқ, у ор қилиши керак,***
***Навоийни ўқиши керак!***

***Самарқанду Бухоро, Термиз —***
***Тўйларда барчамиз жаммиз.***
***Бизлар ахир кимлардан каммиз?!***
***Элга олам олқиши керак,***
***Оламга тик боқиши керак,***
***Навоийни ўқиши керак!***

***Берунийлар, ибн Синолар,***
***Улуғбеклар, Бобур Мирзолар***
***Қуриб кетмиш қандай бинолар!***
***Ёш кўнгиллар қалқиши керак,***
***Навоийни ўқиши керак!***



***Ватан азал битта Ватандир,***
***У биз учун сўлмас чамандир.***
***Шул сабабдан бола чоғлардан,***
***Майса чоғлар, лола чоғлардан.***
***Ўзни уриб, юлқиши керак,***
***Навоийни ўқиши керак,***
***Дилга недир юқиши керак!***

**Сирожиддин САЙЙИД.**

